



## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСНИ ТАЙЁРЛАШДА МУҲИМ ОМИЛЛАР

Тўхтасинов Шохрух

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар  
институтини, талаба

### АННОТАЦИЯ

Ушбу ишда қишлоқ хўжалик муахассисларини тарбиялаш, уларнинг тушуниниш даражаси ва замонавий технологиялар билан ишлаш қобилиятини шакллантириш билан бир қаторда замон талабига мос бўлган мутахассисни шакллантириш омиллар ҳақида батафсил маълумот берилган. Хорижий тиллар, ахборот технологиялар ва шу сингари фанларнинг аҳмияти ёритилган.

**Калит сузлар:** кўникма, технология, билиш даражаси, тезкор фикрлаш, ахборот технология.

### РЕЗЮМЕ

В данной работе дана подробная информация о факторах подготовки специалистов сельского хозяйства, формирования у них уровня понимания и умения работать с современными технологиями, а также о факторах становления специалиста в соответствии с требованиями времени. Подчеркивается важность иностранных языков, информационных технологий и подобных предметов.

**Ключевые слова:** способность, технология, уровень знаний, сообразительность, информационные технологии.

### ABSTRACT

In this work, detailed information is given about the factors of training of agricultural specialists, formation of their level of understanding and ability to work with modern technologies, as well as the factors of formation of a specialist in accordance with the requirements of the times. The importance of foreign languages, information technology and similar subjects is highlighted.

**Key words:** skill, technology, level of knowledge, quick thinking, information technology.

Мамлакатларнинг ривожланиши бир нечта муҳим омилларга бевосита боғлиқ. Улардан орасида таълимнинг аҳамияти жуда катта. Чунки шу тизим орқали жамиятнинг эҳтиёжларини қоплаш учун зарурий мутахассисларнинг тайёрланиши амалга оширилади. Мақсадда эришиш йўлида катта миқдордаги молиявий сарфлар амалга оширилади, бошқа давлатлардан етакчи мутахассисларни, янги техник воситалар, технологияларни олиб келишга ҳаракат қилишади.

Мутахассис билан ишлаш учун эса, албатта, у билан мулоқот қилиш қобилиятига эга ўзимизнинг ёш кадрларимиз бўлиши шарт. Бошқа томондан, олиб келинган асбоб-ускуналарга тегишли ҳужжатлар бошқа жаҳон тилларида бўлади.



Мулоқотни давом эттириш учун электрон ёзишмалар амалга оширишда мобайнида шу тилдаги маданий муҳитни шакллантириш жуда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Юқорида санаб ўтилган омиллар қуйидаги ишларни амалга оширишни белгилаб беради:

- хорижий тилида барча соҳалар бўйича қийинчиликсиз мулоқот қила оладиган ёш мутахассисларни тарбиялаш керак,
- хорижий тилидаги ҳужжатларни миллий тилларга таржима қилиш қобилияти бор иқтидорли ёшларни аниқлаш ва изчил ишлаш,
- жаҳондаги технологиялар ва ишлаб чиқариш жараёнидани янгиликлардан хабардор бўлиш учун бошқа етакчи мамлакатларда ўқишини ташкил этиш лозим [2].

Мана ишларни рўёбга чиқариш мақсадида таълим муассасаларда қуйидаги ишларни бажариш керак:

- тилларни ўрганиш қобилияти бор иқтидорли ёшларни аниқлаш,
- ёш мутахассисларнинг олдидаги истиқболли режеларани тўғри шакллантириш учун имконият яратиш,
- ўрганиш учун зарурий адабиётлар ишлаш учун шарт-шароитларини шакллантириш,
- амалиётда олинган назарий билимларни кенгроқ сингдириш мақсадида турли семинар-тренинг ва бошқа тадбирлани ўтказиш.

Янги технологик воситалар яратилиши ва уларнинг ҳужжатларини пайдо бўлиши ёш мутахассисларнинг доимо изланишда бўлишига ижобий туртки бўлиши аниқ.

Бошқа томондан жамиятнинг равнақи учун муҳим омиллардан бири – унинг кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминланганлик даражаси. Бутун дунеда айнан мана шу масала энг долзарблар қаторида олдида турибди. Бунинг учун мавжуд ер ресурслари ва уларнинг имкониятидан самарали фойдаланиш давр талабига айланди. Ушбу йўналишда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда ва янги озиқ-овқат турлари учун ўсимликларнинг имкониятлари ўрганилмоқда [3]. Мутахассисларнинг тайёрланиш муҳим босқичлари сифатида мактаб даври қайд этилганлиги тўғрисида маълумот бериб ўтилган [7].





Кейинги навбатда иқтидорли ёшларни таглаб олиш ва улар билан изчил ишлашдир. Саралаш уларнинг қизиқишлари, қобилияти ва билими бўйича амалга оширилса жуда яхши натижа беради.

Таълим олиш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш ҳам керак. Булар қаторига яшаш шароит ва етарлича қулайликларини яратиш, инфратузилма (савдо, хизмат кўрсатиш, транспорт ва бошқалар) ташкил этиш, дам олиш ва маддий хордик учун қулай шароитлар яратиш ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади.

Ёш тарбияланаётган мутахассисларнинг тайёргарлигининг кейинги босқичи – таълим бериш шароити. Ўқув фанларнинг ўзлаштирилиши мавжуд қўув юкломанинг тўхри тақсимланганлиги, унинг мавжуд шароитларга мос келиши, адабиётлар таъминланганлик даражаси яхши даражада бўлишига чамбарчас боғлиқ.

Таълимда фанларнинг назарий ва амалий ўқув материалларини ўзлаштириш жараёнида мавжуд босма ва электрон ўқув адабиётлар билан бир қаторда қўшимча ўқув манбаларни ўқув жараенида олиб кириш катта самара беради. Тўғри, шу ерда бир нечта қуйидаги талабалар пайдо бўлади: хорижий тилларни етарли даражада билиш, ахборот технологияларнинг имкониятларидан кенг фойдалана олиш имкониятига эга бўлиши, тезкор фикрлаш мавжудлиги, бошқа фанлардаги ўқув материалларнинг моҳиятини англаш ва янги манбалар билан боғлаш имкониятига эгаллиги сингарилар.

Шулар қандай вазифаларни бажариши ва таъсирини бир кўриб чиқайлик. Хорижий тилларни билиш ҳозирги куннинг энг биринчи талаби ҳисобланади. Масалан, мутахассиснинг даражасини белгилашда бошқа жаҳон тилларда мулоқот қилиш қобилияти унинг кейинги ишларига ўзининг таъсирини ўтказади. Агар танловда чет тилларни билиш талаби мавжуд бўлса, у ҳолда шундай мутахассислар юқори лавозимга тайинланишида устуворликка эга бўладилар. Бошқа томондан, бир қаторда бошқа миллат маданияти билан танишлигини ҳам билдиради.

Мутахассисларнинг тайёрлаш жараенида ахборот технологияларнинг роли катта. Қўшимча манбалар ўрганиш, унинг ўрганилиш даоажасини мониторинг қилиш, ёш мутахассислар билан доимий ишлаш жараенида энг биринчи ёрдамчи – ахборот технологиялар. Мутахассислар ахборот технологияларнинг имкониятлари,



унинг ёрдамида янги маълумот билан ишлаш, уни таҳлил қилиш, ўзаро мулоқот ташкил этиш ва бошқа масалалар ечимини кўрсатиб берувчи восита ҳисобланади [4].

Олинган назарий билимларнинг кенгроқ тушунилиш ва янги тушунчаларни шакллантиришда комплекс тарзда фанларни ўрганиш тавсия этилади. Масалан, қишлоқ хўжалик масаларини математика, география, киме, физика, мутахассислик фанлари, хорижий тиллар уйғунлигида амалга оширилса жуда яхши самара беради.

Бошқа муҳим омил сифатида хорижий тиллар ва уларда берилган манбалар ишлаш ҳисобланади.

Санаб ўтилган барча омиллар ва ҳаракатлар битта натижага олиб келади – бизнинг жамиятимиз учун зарур хорижий тилида мулоқот қила олувчи мутахассисларнинг ёш авлодини яратамиз.

Мутахассиснинг қандай тайёргарликда булиши жамиятнинг иқтисодий раванқи, аҳолининг яшаш тарзи, кейинги масалаларни хал этишда муҳим манба бўлади.

Хорижий тиллар ва бир қаторда ахборот технологияларнинг асосларини шакллантириш бўлажак мутахассисларнинг дунёқарашини кенгайтирибгина қолмасдан, балки унинг фикрлаш даражасини ҳам шунга мослаб беради. Берилаётган масаланинг ечими ва мавжуд технологик жараён тўғрисида тезкор тушунчага эга бўлиши рўй беради.

Хулоса шуки, хорижий тилида берилган манбалар еки ҳужжатлар билан ишлаш учун тилни мукамал билиш, унинг маданий асосларни тушуниш, структуравий элементлар ва уларнинг шаклланишини ёш авлоднинг лингвистик билимга эгаллиги орқали намоён бўлади. Натижада янгиликлар билан тезроқ танишиш имконияти яратилади.

#### Адабиётлар

1. Кирйигитов Б., Носирова М. Ахборот технологиясидан фойдаланиб хорижий тилларни ўқитиш/“Педагогик қайта тайёрлаш ва малака оширишга қўйиладиган замонавий талабларни таъминлашда халқаро ва миллий тажрибалар уйғунлиги” республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 2017. 355-357-бетлар.



2. Nabiyeva G. Die lingustik als bereich der sprachwissenschaft und als lehrfach //APNI Konstruktivniy potensial sovremennix gumanitarnix i sosialno –ekonomicheskix nauk: problem narashivaniya I realizasii. Sbornik nauchnix trudov po materialam Mejdunarodnoy nauchno – prakticheskiy konferensii. Belgorod ,24 iyun 2020. 12-14 str.
3. Кадиров Р.Н. Кузги буғдойнинг Аср ва Дурдона навлари даласининг ер-сув мувозанати //Экология хабарномаси журнал.-2018. №11.- 19-21 б.
4. Кирйигитов Б., Носирова М. Ахборот технологиясидан фойдаланиб хорижий тилларни ўқитиш/“Педагогик қайта тайёрлаш ва малака оширишга қўйиладиган замонавий талабларни таъминлашда халқаро ва миллий тажрибалар уйғунлиги” республика илмий-амалий конференция материаллари. Тошкент, 2017. 355-357-бетлар.
5. Кирйигитов Б., Носирова М. [Использование дополнительных источников для увеличения уровня понимания в образовании](#) //Матрица научного познания, 2019. 256-260
6. Кирйигитов Б., Носирова М. [Значение межпредметной связи при усвоении учебного материала](#)//Матрица научного познания, 2019. 251-256
7. Алматова М. Мактаб ўқувчилар билимини оширишда хорижий тил ўқитиш аҳамияти /”Им-фан муаммолари tadqiqotchilar talqinida” Xalqaro ilmiy anjuman. Qo’qon- Xo’jand. 3-sho’ba. 20223. 503-506-betlar.

